**Нашр маҳсулотини тайёрлаш шартномаси**
**№ В/01**

*Тошкент шаҳри* *«18» январь 2022 йил*

*«Akademnashr NMM» МЧЖ*, кейинги ўринларда *«Ижрочи»* деб юритилади, номидан *Низом* асосида ҳаракат қилувчи *директор Nazarov S.X.* бир томондан ва *Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи,* кейинги ўринларда *«Буюртмачи»* деб юритилади, номидан *Низом* асосида ҳаракат қилувчи *директор ўринбосари Ю.Х.Ашуров* иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

*1.1. Ижрочи Буюртмачи*га ушбу шартномага мувофиқ қуйидаги китобларни чоп этиб беришни, *Буюртмачи* эса бунинг эвазига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртманинг параметрлари:

| **Номи** | **“Йўлкўрсаткич” (ўзбек, рус, инглиз тилларида)** | **“Тарихнинг номаълум саҳифалари” (ўнинчи китоб)** | **“1937 йил турналари”** | **“Чироқ кўтарган аёл”** | **“Жадидчилик феномени”** | **“Никобланган разолат ёхуд Гдлянча адолат”** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Адади** | Умумий 3000 дона (хар бир тил 1 000 донадан) | 1 000 дона | 1 000 дона | 500 дона | 500 дона | 1 000 дона |
| **Бичими** | 60x90 $^{1}/16$ | 84x108 $^{1}/_{32}$ | 84x108 $^{1}/_{32}$ | 84x108 $^{1}/_{32}$ | 84x108 $^{1}/_{32}$ | 60x84 $^{1}/_{32}$ |
| **Ҳажми** | 160 бет | 320 бет | 208 бет | 176 бет | 208+32 бет | 268 бет |
| **Муқова** | 200 гр/м$^2$ сил-лик, клапанли | қаттиқ | қаттиқ | 200 гр/м2 силлиқ қоғоз | қаттиқ | каттиқ |
| **Матн қоғози** | 105 гр/м$^2$ сил-лик | офсет қоғози | офсет қоғози | офсет коғози | офсет қоғози | офсет қоғози |
| **Матн ранги** | рангли (4+4) | оқ-қора (1+1) | оқ-қора (1+1) | оқ-қора (1+1) | оқ-қора (1+1) | оқ-қора (1+1) |
| **Муқова ранги** | рангли (4+0) | рангли (4+0) | рангли (4+0) | рангли (4+0) | рангли (4+0) | рангли (4+0) |
| **Нархи** | **37 600 сўм** | **36 400 сўм** | **28 300 сўм** | **27 000 сўм** | **50 000 сўм** | **34 000 сўм** |
| **Суммаси** | **112 800 000 сўм** | **36 400 000 сўм** | **28 300 000 сўм** | **13 500 000 сўм** | **25 000 000 сўм** | **34 000 000 сўм** |
| **ЖАМИ** | | | | | | **250 000 000 сўм** |

**2. Шартноманинг баҳоси.**

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС қўшилган ҳолда 250 000 000 (*икки юз эллик миллион*) сўмни ташкил этади.

**3. Тўлов шартлари.**

3.1. *Буюртмачи* шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 30 фоизини шартнома Ўз. Рес. Молия вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 банк куни ичида *Ижрочи*нинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб беради, қолган 70 фоизини бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб фактура имзоланган кундан бошлаб 10 банк куни ичида тўлаб беради.

3.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартномада кўрсатилган нархлар берилган кундан бошлаб 30 кун давомида амал қилади.

**4.Томонларнинг мажбуриятлари.**

***4.1. Ижрочининг мажбуриятлари:***

4.1.1. Маҳсулотларни нашрга тайёрлаш жараёнида натижанинг салбий бўлиши мумкинлиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, бу ҳақда 5 кунлик муддатда *Буюртмачи*ни ёзма равишда хабардор қилиб, ишни тўхтатади. Буюртмага оид ишлар томонлар уни қайта кўриб чиқиб, тегишли тузатишлар киритилгандан сўнг давом эттирилади.

4.1.2. Бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, *Буюртмачи*нинг нашр этиш бўйича топшириғида ёки шартномада назарда тутилган бошқа параметрлардан чекиниш натижасида юзага келган камчиликларни ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан бартараф этади.

4.1.3. Буюртманинг бажарилиш муддати қўл ёзманинг сўнгги корректураси, таржимаси ва дизайни *Буюртмачи* томонидан имзолангандан сўнг 60 иш куни.

***4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:***

4.2.1. *Ижрочи*га нашр этиш бўйича шартнома асосида топшириқ беради ва у билан ишлар режаси ёки мавзусини келишиб олади.

4.2.2. *Ижрочи*га маҳсулотни тайёрлашда зарур бўладиган қўлёзма, дискет, суратлар ва ҳужжатларни тўлиқ тарзда етказиб беради.

4.2.3. *Ижрочи*га ушбу шартноманинг 2.1. бандида назарда тутилган суммани белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.

4.2.4. Нашр маҳсулотларидан тегишли ташкилотларга мажбурий тарқатиладиган нусхалар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 52-сонли Қарорига асосан) *Буюртмачи*нинг ҳисобидан олиб қолинади.

4.2.5. Тайёр маҳсулотни ушбу шартномада назарда тутилган муддат ва тартибда қабул қилиб олади.

4.2.6. *Буюртмачи* тайёр маҳсулотни ўз транспортида олиб кетади.

4.2.7. Маҳсулотни олиб кетишда *Ижрочи*га ушбу шартноманинг бир нусхаси, ишончнома қоғози ва олиб кетувчининг паспорти тақдим этилиши шарт.

**5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Нашр маҳсулотини шартномада келишилган муддатларда чоп этиб бера олмаган тақдирда *Ижрочи Буюртмачи*га томонга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,05 фоизи миқдорида лаёқатсизлик тўлайди, бироқ тўланган лаёқатсизлик шартнома умумий суммасининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги шарт.

5.2. Буюртмачи шартномада келишилган нашр маҳсулотини чоп этиш учун лозим бўлган тўловни кечиктирган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,05 фоизи миқдорида лаёқатсизлик тўлайди, бироқ тўланган лаёқатсизлик шартнома суммасининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

5.3. Лаёқатсизлик тўлаганлик томонларни мажбуриятларни бажариш ёки ҳуқуқ бузулишларини бартараф қилишдан озод этолмайди.

**6. Форс-мажор ҳолатлари.**

6.1. Томонларнинг ҳеч бири бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

**7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

7.1. Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**8. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала томон имзолаган ҳоллардагина кучга киради.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан ҳал қилинади.

8.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон бошқа томонга бу ҳақда ёзма хабарнома юборади.

**9. Бошқа шартлар.**

9.1. Ушбу шартнома давлат тилида, бир хил қонуний кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.2. Шартнома Ўз. Рес. Молия вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

**10.Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.**

**ИЖРОЧИ**

**«AKADEMNASHR NMM» МЧЖ**

**Манзил:** 100185, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
**Х/р:** 20 208 000 104 370 686 001
**Банк:** «Kapitalbank» АТБ нинг
Чорсу филиали **МФО:** 01033
**ИНН:** 205 225 905 **Код ОКЭД:** 58110
**КОД ҚКС:** 326060022847 **Тел.:** (98) 313-56-22

Директор ______________ Назаров С.Ҳ.
имзо

М.Ў.

**БУЮРТМАЧИ**

**Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи**

**Манзил:** Тошкент ш,А.Темур кўчаси,тел:244-73-31
Ш х/р - 100 010 860 262 667 011 501 277 001
**ИНН-** 204258707, **ОКОНХ:** 93131
Ўз.Р Молия вазирлиги ғазначилиги.
Ғазна х/р – 23 402 000 300 100 001 010
Банк – МБ ББХККМ Тошкент ш.
**МФО**-00014, **ИНН-** 201122919

Директор ўринбосари ______________ Ашуров Ю.Х
имзо

М.Ў

Юрист Ядгаров Х.М.
Свидетельство ЮК № 007702
выданное Управлением юстиции г. Ташкента

# ЗАКЛЮЧЕНИЕ

К Договору № B/01 от «18» января 2022 г.

Настоящий договор заключен между «Заказчик» **гос. музей Памяти жертв репрессий** и «Исполнитель» «**Akademnashr NMM**» на сумму **250 000 000 (Двести пятьдесят миллионов) сум.**

Данный договор составлен в соответствии с действующим законодательством.

Стороны при заключении хозяйственного договора руководствовались:

1. Законом Республики Узбекистан № 670-1 от 29.08.1998 г. «О договорно-правовой базе хозяйствующих субъектов», ст.25, 26, 27, 28, 29, 30,31,32,33.
2. Гражданским кодексом РУ, ст.45, 48.
3. Административным кодексом РУ, ст. 175, 176-1, 176-2, 212,214.
4. Уголовным кодексом РУ, ст.175,181,186, 205, 207, 209.
5. Инструкцией о порядке приемки товаров и продукции.

Стороны по данному договору ознакомлены с правовыми актами, необходимыми для исполнения настоящего договора, а также о взаимной имущественной ответственности по договору.

**Юрист** **Ядгаров Х.М.**

юрист Ядгаров Х.М.
СВИДЕТЕЛЬСТВО ЮК № 007702
выданное Управлением юстиции г. Ташкента

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami - **003410-08** № **003410**

**2007 yil "30" 11**

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs ***"AKADEMNASHR NMM"***

ga

berilgan.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | ***Mas'uliyati cheklangan jamiyat*** | THSH (ОПФ) | ***1153*** |
| Mulkchilik shakli: | ***Xususiy*** | MSH (ФС) | ***142*** |
| Pochta manzili: | ***CHILONZOR-20A-42*** | MHOBT (СОАТО) | ***1726294*** |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) | ***19780704*** |
| Tarmoq kodi: | ***Tahririyat va nashriyot*** | XXTUT (ОКОНХ) | ***87100*** |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) | ***205225905*** |

Qo'shimcha ma'lumotlar ***JAMIYAT AVVAL MIROBOD TUMANIDA RO'YXATGA OLINGAN***

Vakolatli organ rahbari **B.Sagatov**

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONDAN TA'QIB QILINADI

"Print-X" МЧЖ. Тел.152-56-67 Б-36-02 Т. 500 - 2005 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

# ЛИЦЕНЗИЯ

АІ № 134

Мазкур лицензия билан "AKADEMNASHR" нашриёти
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
га

маърифий, адабий-бадиий, илмий ва илмий-оммабоп, ижтимоий-публицистик ва ҳуқуқий адабиётлар, луғатлар, плакатлар нашр этиш
(рухсат этилган фаолият тури)
билан шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили):
100156, Тошкент ш. Чилонзор тум. Чилонзор мавзеси, $20^{А}$-квартал, 42-уй.

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: ИНН 205225905

Лицензия берилган сана: 2009 й. 27 апрел

Лицензиянинг амал қилиш муддати 5 йил

Реестр бўйича тартиб рақами: 134

Ваколатли шахс: А.Н. Арипов
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF